

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR: DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022


2022

УЧЕНЫЙ — ТОТ, КТО
МНОГО ЗНАЕТ ИЗ КНИГ;

ОБРАЗОВАННЫЙ — ТОТ, КТО
УСВОИЛ СЕБЕ ВСЕ САМЫЕ
РАСПРОСТРАНЕННЫЕ В ЕГО
ВРЕМЯ ЗНАНИЯ И ПРИЕМЫ;

ПРОСВЕЩЕННЫЙ — ТОТ, КТО
ПОНИМАЕТ СМЫСЛ СВОЕЙ ЖИЗНИ.

LEV TOLSTOY
(1828-1910)



ОКТЯБРЬ

№45



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir
Temur ko'chasi, pr.1. 2-uy.

+998 97 420 88 81

+998 94 404 00 00

www.taqiqot.uz

www.conferences.uz



**БИМЕДИЦИНА ВА АМАЛИЁТ СОҲАСИДАГИ
ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР**

1. Рахимов И.Р., Бабажанов Қ.Б. ХОЛЕДОХОЛИТИАЗДА ОШҚОЗОН ОСТИ БЕЗИ МОРФОЛОГИЯСИ	7
2. Рахимов И.Р., Бабажанов Қ.Б. ЎТ ТОШ КАСАЛЛИГИДА ОШҚОЗОН ОСТИ БЕЗИДАГИ ЮЗАГА КЕЛАДИГАН КЛИ- НИК МОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАР	9
3. Нажмиддинова Н.Н., Аллаберганов Д.Ш. КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИДА БУЙРАК УСТИ БЕЗИНИНГ ПАТОМОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРИ	11
4. Шарипова Азиза Умаровна. PASTKI JAG' BO'G'IMINING IKKILAMCHI DEFORMATSIYALOVCHI OSTEOARTROZI BO'LGAN BOLALARDA ANTIMIKROB FOTODINAMIK TERAPIYANING SAMARADORLIGINI TAJRIBADA ASOSLAB BERISH	13
5. Ботиров Шамсиддин Рашидович, Махкамова Нигора Эргашевна ПАТОЛОГИИ СРЕДНЕГО УХА И СЛУХОВОЙ ТРУБЫ	15
6. Зайнутдинов Нурилла Омонуллаевич ГИПОФРАКЦИОНИРОВАННЫЙ МЕТОД РАДИОТЕРАПИЯ ОНКОЛОГИЧЕСКИХ БОЛЬ- НЫХ В УСЛОВИЯХ ПАНДЕМИИ	17
7. Махкамова Нигора Эргашевна, Набиева Жамила Маликовна ПАТОЛОГИИ НОСА И ОКОЛОНОСОВЫХ ПАЗУХ У ДЕТЕЙ С ВРОЖДЕННОЙ РАСЩЕЛИНОЙ НЕБА	19
8. Миразизова Диллола Равшановна, Махкамова Нигора Эргашевна СЕНСОНЕВРАЛЬНАЯ ТУГОУХОСТЬ У БОЛЬНЫХ ПЕРЕНЕСШИХ КОРОНАВИРУС- НУЮ ИНФЕКЦИЮ	21
9. Муминов Даврон Кадырович, Турсунов Даврон Илхомович СОСТОЯНИЯ ЛЕГОЧНОЙ ГЕМОДИНАМИКИ И ДИАСТОЛИЧЕСКОЙ ФУНКЦИИ ПРАВОГО ЖЕЛУДОЧКА СЕРДЦА ПРИ ХРОНИЧЕСКОЙ ОБСТРУКТИВНОЙ БОЛЕЗ- НЬЮ ЛЕГКИХ ПОСЛЕ ПЕРЕНЕСЕННОЙ COVID-19	24



УДК: 611.451: 616.9 :578.834

**КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИДА БУЙРАК УСТИ БЕЗИНИНГ
ПАТОМОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРИ**

Нажмиддинова Н.Н., Аллаберганов Д.Ш.

Тошкент тиббиёт академияси

Нажмиддинова Нилуфар Нурали кизи +998977521525

Аллаберганов Дилшод Шавкатович +998909347225

e-mail: dilshodbek9347225@mail.ru

e-mail: nilya_92@mail.ru

Аннотация: Коронавирус инфекциясида буйрак усти безининг бевосита зарарланиши замонавий адабиётларда тўлиқ келтирилмаган. Айнан COVID-19 инфекциясида буйрак усти безининг қон томирлари орқали зарарланиши SARS-CoV-2 кўзгатувчиси, асосан ангиотензин ҳосил қилувчи хужайра рецепторларини (АПФ-2) зарарлаши ва вируснинг репликацион фаоллигини ошириши натижасида нейроэндокрин тизимидаги гиперфункционал кўзғалиш буйрак усти безининг пўстлоқ қисми ва мағиз қисмидаги энтерохромаффин хужайраларнинг гиперплазияси, дистрофияси ва гипофункцияси сабабли, функционал зўриқишнинг вужудга келиши кўринишида содир бўлади. Айни ишимизда буйрак усти безининг пўстлоқ қисми гломеруляр соҳасидаги хужайраларнинг гиперплазияси юзага келади.

Калит сўзлар: морфология, буйрак усти бези, гиперплазия, гломеруляр соҳа, гипертония, қон қуйилиши.

SARS-CoV-2 кўзгатувчиси, асосан ангиотензин ҳосил қилувчи хужайра рецепторларини (АПФ-2) зарарлаши ва вируснинг репликацион фаоллигини ошириши, хўжаин хужайрасида пироптозга учратиши (лейкотриенлар, СРБ, ААБ, МРСА ва бошқалар) яллиғланиш жараёнини кучайиши билан намоён бўлади. Пироптоз жараёнида ҳосил бўлган оралик махсулотлар қўшни хужайралардан: эпителиал хужайралар, эндотелиал хужайралар, альвеоляр макрофаглар, семиз хужайралар, яллиғланиш олди цитокинларини (ИЛ-6, ИЛ-8, МIP1 α , МIP1 β , МСР1) массив равишда ажратиши томир бўшлиғидаги оқ қон таначаларини: моноцитлар, Т-лимфоцитлар, макрофаглар, плазмоцитларни ўзига жалб этиб, яллиғланишга жавобан юзага келувчи реактивликни асосан гиперэргик турда ривожланишига олиб келади. Бу эса перифериядаги магистрал томирларнинг кескин қисқариши ва периферик томирларда ўчоқли кенгайишларни вужудга келтириб буйрак усти безининг пўстлоқ қавати ва мағиз қаватида ўчоқли дистрофик ва некротик ўзгаришларни вужудга келтиради.

Тадқиқот объекти ва предмети: Тадқиқот объекти сифатида Республика патологик анатомия марказида COVID-19 инфекциясидан вафот этган 138 та ҳолатнинг аутопсия жараёнидаги ажратиб олинган буйрак усти бези ҳисобланади. Олинган буйрак усти безининг морфологик ва морфометрик ўзгаришлар таҳлил қилинди.

Олинган натижалар: Буйрак усти безининг пўстлоқ қаватлари гломеруляр соҳаларида кескин тўлақонлик, клиник морфологик жиҳатдан гиперфункционал ҳолатда бўлиши, без эпителиаларининг хажман катталаниши, капилляр қон томирларида кескин тўлақонлик носпецифик кўринишдаги венос тўлақонлик ривожланишига олиб келади. COVID-19 инфекциясида гипертония касаллиги билан ассоциацияланган беморларда COVID-19 инфекциясида, жараённинг оғир кечиши, қон босимининг ошиши ва буйрак артерияларида гиалинознинг вужудга келиши билан давом этиши аниқланди. Айни ишимизда, COVID-19 инфекциясида беморларда олдиндан аниқланган гипертония касаллиги ва қандли диабет билан оғриган беморлар буйрак усти безининг гиперфункционал ҳолати яққол ривожланганлиги, ретикуляр соҳадаги хар хил бурчакли энтерохромаффиноцитларнинг кескин дистрофик ўзгаришларга учраши глюкокортикоид ва минералокортикоидларнинг кескин ишлаб чиқарилиши билан боғлиқлиги аниқланди. Натижада, гипертония ва қандли диабет билан бирга келган COVID-19 инфекциясида қон томирлар эндотелийсининг шикастланиши катехоламинларга бўлган сезгирликнинг камайиши буйрак усти безининг пўстлоқ қавати гломеруляр соҳанинг гиперфункционал ҳолатда ишлаганлигини билдиради. Бу эса охир оқибат буйрак усти безининг ўткир етишмовчилиги некробиоз ва некроз



жараёнларининг кескин ривожланиши билан тушунтирилади. Беморларда COVID-19 инфекциясида бевосита ўлим сабабларига олиб келувчи омиллардан бири бўлган буйрак усти безининг некрози ва қон қуйилиши кўринишида ривожланиши аниқланади.

Хулоса: COVID-19 инфекциясида SARS-CoV-2 қўзғатувчиси, асосан ангиотензин хосил қилувчи хужайра рецепторларини (АПФ-2) зарарлаши ва вируснинг репликацион фаоллигини ошириши, аксарият қон томирлар интимаси ва эндотелийсининг кескин шикастланишига олиб келади. Бу ўзгариш ўз навбатида буйрак усти безининг ишлаб чиқарган махсулотлари бўлган катехоламинлар ва глюкокортикоид ва минералокортикоидларга сезгирлигини пасайишига олиб келади. Натижада буйрак усти безининг гиперфункционал ҳолати пўстлоқ ва мағиз сохаларида кескин қон қуйилишларга ва некроз ривожланишини стимуллади ва охир оқибат буйрак усти беги гормонларининг кескин етишмовчилиги қон томирларнинг кенгайганлиги ва қон босимининг кескин тушиб кетиши гипотония ҳолатининг ривожланишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Avdeev SN, Adamyan LV, Alekseeva EI, et al. Temporary guidelines. Prevention, diagnosis and treatment of new coronavirus infection (COVID-19). Ministry of Health of the Russian Federation. Version 7. 03.06.2020. (In Russ.)

2. Li JY, You Z, Wang Q, et al. The epidemic of 2019-novelcoronavirus (2019-nCoV) pneumonia and insights for emerging infectious diseases in the future. *Microbes Infect.* 2020;22(2):80-5. doi:10.1016/j.micinf.2020.02.002.

3. WHO. Coronavirus disease (COVID-19) Pandemic. Geneva: WHO. 2020. [https://www.who.int/emergencies/diseases/novelcoronavirus-2019.150691](https://www.who.int/emergencies/diseases/novelcoronavirus-2019).

4. Временные методические рекомендации «Профилактика, диагностика и лечение новой коронавирусной инфекции (COVID-19). Версия 6» (28.04.2020), утв. Минздравом России [Электронный ресурс] : справочно-правовая система «КонсультантПлюс».

Лекции по ВИЧ-инфекции / под ред. В. В. Покровского. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ГЭОТАР-Медиа, 2018. – 848 с.: ил.

5. Должанская Н.А., Бузина Т.С., Клименко Т.В. ВИЧ-инфекция, вирусные гепатиты, COVID-19 и проблемы их профилактики в наркологии. *Вопросы наркологии.* 2020; 5: 5-20.

6. Zhang YP. The epidemiological characteristics of an outbreak of 2019 novel coronavirus diseases (COVID-19) in China. *Chin J Epidemiol.* 2020;41:145-51. doi:10.46234/ccdcw2020.032